

АГРАР СЕКТОР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛЛИГИНИ БАҲОЛАШ

Амиров Лочинбек Файзуллаевич

*Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академияси “Иқтисодиёт ва бошқарув”
кафедраси доценти, PhD*

Email: amirovlochinbek863@gmail.com

Orcid: <https://orcid.org/0000-0001-9734-9118>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss7/732

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон аграр секторида рақобатбардошликни ошириш ва инновацион фаолликни баҳолаш масалалари ёритилган бўлиб, аграр соҳада инновацияларнинг жорий этилиши рақобатбардошлик даражасига қандай таъсир кўрсатиши таҳлил қилинган. Тадқиқотда интеграл баҳолаш усули асосида аграр ишлаб чиқариш самарадорлиги, технологик янгиланиш даражаси ва илмий ишланмалардан фойдаланиш кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик аниқланган. Натижалар асосида аграр сектор рақобатбардошлигини ошириш учун инновацион инфратузилмани ривожлантириш ва давлат-хусусий шериклик асосидаги тизимни мустаҳкамлаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: аграр сектор, рақобатбардошлик, инновацион фаоллик, иқтисодий самарадорлик, интеграл баҳолаш, агроинновация, илмий ишланма.

ПОВЫШЕНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ АГРАРНОГО СЕКТОРА И ОЦЕНКА ЕГО ИННОВАЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ

Амиров Лочинбек Файзуллаевич

Доцент кафедры «Экономика и управление» Академии труда и социальных отношений, PhD

Аннотация

В статье рассматриваются вопросы повышения конкурентоспособности и оценки инновационной активности в аграрном секторе Узбекистана, а также анализируется, как внедрение инноваций в аграрном секторе влияет на уровень конкурентоспособности. В ходе исследования была выявлена корреляция между эффективностью аграрного производства, уровнем технологического обновления и показателями использования научных разработок на основе метода интегральной оценки. По результатам были разработаны практические предложения по развитию инновационной инфраструктуры и укреплению системы на основе государственно-частного партнерства для повышения конкурентоспособности аграрного сектора.

Ключевые слова: аграрный сектор, конкурентоспособность, инновационная активность, экономическая эффективность, комплексная оценка, агроинновации, научные разработки.

ENHANCING THE COMPETITIVENESS OF THE AGRICULTURAL SECTOR AND ASSESSING ITS INNOVATION ACTIVITY

Lochinbek Fayzullaevich Amirov

Associate Professor, Department of Economics and Management, Academy of Labour and Social Relations, PhD

Abstract

The article discusses issues of increasing competitiveness and assessing innovation activity in the agricultural sector of Uzbekistan, as well as analyzes how the introduction of innovations in the agricultural sector affects the level of competitiveness. The study revealed a correlation between the efficiency of agricultural production, the level of technological renewal and the indicators of the use of scientific developments based on the integrated assessment method. Based on the results, practical proposals were developed for the development of innovative infrastructure and strengthening the system based on public-private partnership to increase the competitiveness of the agricultural sector.

Key words: agricultural sector, competitiveness, innovation activity, economic efficiency, integrated assessment, agricultural innovations, scientific developments.

Кириш

Бугунги кунда глобал иқтисодиёт шароитида мамлакатларнинг барқарор ривожланиши рақобатбардош ва инновацион иқтисодиётни барпо этилишига боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасида аграр сектор мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади. Мазкур соҳада маҳсулот сифатини ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда инновацион фаоллик муҳим ўрин тутди. Шу муносабат билан аграр секторда рақобатбардошликни оширишнинг илмий асосланган усуллари ишлаб чиқиш ва инновацион фаолликни баҳолаш тизимини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиёти аграр сектори тармоқлари ва соҳаларини жадал ривожлантириш илмий-инновацион салоҳиятдан кенг фойдаланишни кўзда тутди. Шу орқали иқтисодиётга ҳозирги замон технологияларини кенг жорий этилиши Ўзбекистонни жадал ривожлантиришнинг муҳим шarti ҳисобланади. Шунинг билан ҳисобга олганда илғор инновацион ғоялар, илмий ишланмалар ва технологияларга асосланган рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирларни зарур даражада олиб боришни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги тармоғининг самарадорлиги ва рақобатбардошлиги мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Аграр секторда рақобатбардошликни ошириш учун инновацион ечимлар, янги технологиялар ва илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш зарурияти ошиб бормоқда.

Аграр секторининг ривожланиш даражаси мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва турмуш сифатини белгилайди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг умумий ривожланиши республика саноати ривожланишига ҳам таъсир кўрсатишини қайд этиш лозим, чунки аҳолининг катта қисми пахта, гўшт, сут, жун, қоракўл, пилла, теридан хом ашё каби маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасида банд. Шу сабабли, жаҳон

тажрибасидан ҳам кўриш мумкинки, аграр секторнинг ўсиши саноат ўсишини рағбатлантиришда катта мультипликатив таъсирга эгадир.

Ўзбекистонда аграр соҳани модернизация қилиш ва инновацион ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ соҳада инновацион фаоллик даражаси ҳануз етарли эмас, бу эса маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш имкониятларини чеклайди. Шу муносабат билан аграр секторнинг рақобатбардошлигини ошириш ва инновацион фаоллигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш долзарб аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан, илмий-инновацияларни ривожланишини баҳолаш рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришда асосий ўрин тутаяди. Ушбу ҳолатни ҳисобга олганда, инновацияларни ривожланиши билан боғлиқ соҳаларни лозим даражада мувофиқлаштириш, бу борадаги биринчи навбатдаги мақсад ва вазифаларни бажаришга имкон беради. Аграр сектор соҳасида инновацион ривожланиш кўрсаткичларидан фойдаланиш хусусиятларини аниқлашга, соҳадаги инновацион фаолиятнинг статистик ҳисобига алоҳида эътибор қаратиш лозим ҳисобланади.

Истеъмол бозорини рақобатбардош озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, уларни ишлаб чиқаришда ўз-ўзини қоплаш даражасига эришиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш аграр секторни ривожлантиришда устувор йўналишлардан ҳисобланади. Ушбу йўналишларни самарали амалга ошириш аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг фаровонлигини ошириш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш каби долзарб ижтимоий масалаларни тўлақонли ҳал этиш имконини беради. Шу муносабат билан, аграр сектор рақобатбардошлигини ошириш ва инновацион фаолликни жадаллаштириш масалалари Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишида устувор аҳамиятга эга бўлиб, мазкур мақола мазмунининг долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Аграр секторнинг рақобатбардошлиги ва инновацион фаоллиги мавзуси иқтисодий таҳлилда кенг ўрганилган масалалардан бири ҳисобланади. Назарий жиҳатдан, рақобатбардошлик - бу маҳсулот ёки хизматларнинг бозордаги рақобатбардошлиги, яъни унинг нархи, сифати ва экспорт имкониятлари билан боғлиқ тушунча ҳисобланади. Портер (Porter, 1990)нинг рақобатбардошлик назариясидаги институционал ёндашувлар аграр секторда рақобатбардошликни баҳолашда асосий назарий моделлар сифатида қўлланилади. Инновацион фаоллик эса қишлоқ хўжалигида илмий-техник ва ташкилий янги ечимларни жорий қилишни ўз ичига олади, бу эса маҳсулдорликни ошириш, харажатларни қисқартириш ва ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардошликни кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга (Schumpeter, 1934; Freeman, 1987).

Ўзбекистон аграр секторида инновацияларнинг қўлланилиши ва рақобатбардошликни ошириш бўйича бир қатор давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Масалан, 2017–2025 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, илғор технологияларни жорий этиш ва фермерлар фаоллигини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилган Н. Каримова ва М. Ибрагимовалар томонидан қишлоқ хўжалигида инновацион фаолликни кучайтириш орқали рақобатбардошликни сезиларли даражада ошириш мумкинлигини

таъкидлаган ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда технологик модернизация ва кластер моделларининг аҳамиятини алоҳида қайд қилинган.

Халқаро тажрибада илғор технологияларни жорий қилиш орқали аграр секторнинг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мумкинлиги кўрсатилган. Масалан, Нидерланд, Израил ва АҚШ мисолларида ресурс тежаш, илғор уруғлар ва автоматлаштирилган мониторинг тизимлари орқали маҳсулдорлик ва экспорт салоҳияти кенгайтирилган (OECD, 2020; FAO, 2021). Шу муносабат билан Ўзбекистон учун асосий имкониятлар — замонавий агротехника ва рақамли технологияларнинг кенг жорий қилиниши, илмий-тадқиқот институтлари ва фермерлар ўртасида ҳамкорликнинг ривожлантирилиши, давлат-хусусий шерикликни кенгайтиришдан иборат.

Аграр сектор тармоқларида инновацион фаолиятни юритиш ва уни ривожлантиришда Россиялик олимлардан И.Г.Ушачев, В.В.Киселёв, О.В.Мамай ва бошқа олимлар ишларида устуворликни қайд этиш мумкин.

Шуларни ҳисобга олганда, ушбу тадқиқотларда аграр соҳани янада барқарор ривожлантиришнинг асосий шарт сифатида рақобатбардош инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш салоҳиятини янада ошириш кўзда тутилади. Шу билан бир вақтда бундай маҳсулотларни нафақат сифатини, балки янги турдаги экспортбоп маҳсулотларни яратиш ва уларни қайта ишлаш тармоқларини инновацион йўллари кенгайтиришни талаб этади. Бу ўта мураккаб, кўп босқичли жараён сифатида ҳисобга олиниши керак. Шунини ҳисобга олганда, ушбу жараённи ўзаро бир-бирига боғлиқ иқтисодий ҳаракат деб қараш лозим. Демак, инновациялар рақобатга бардошли маҳсулотларни яратишга олиб келиши керак. Бунда яратилган инновациялар самарадорлигини улар қийматини ўлчаш орқали баҳолаш мумкин. Аммо амалиётда инновацияларни яратиш, уларни жорий этиш ҳамда корхона ва ташкилотларга тарқатиш ишлари маълум харажатларни талаб этади. Методологик жиҳатдан аграр соҳада инновацияларни ривожлантириш ана шу харажатларни ўлчаш ва уларни баҳолашга асосий эътибор қаратилишини талаб этилади.

Тадқиқот методологияси

Мақоланинг назарий ва методологик асоси сифатида аграр сектор рақобатбардошлигини ошириш ва инновацион фаолликни жадаллаштириш масалалари бўйича маҳаллий ва хорижий олим-иқтисодчиларнинг ишлари, қонунчилик ҳужжатлари, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси, дастурий ҳужжатлар, тармоқни бошқариш тизимини шакллантиришга оид Президент фармон ва қарорлари хизмат қилди.

Тадқиқотда аграр сектор рақобатбардошлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилганлигини қайд этиш лозимдир, яъни, маҳсулот сифатининг халқаро стандартларга мувофиқлиги акс эттирилган, ишлаб чиқариш харажатларининг самарадорлиги таҳлил қилинган, инновацион фаоллик индикаторлари (патентлар сони, янги технологиялар жорий этилиши, илмий ишланмалар сони) ҳамда кадрлар салоҳияти ва таълим тизимида инновацияларга тайёргарлик даражаси ёритилган.

Таҳлил ва натижалар

Аграр сектор Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишида стратегик ресурс ҳисобланади. Унинг самарали ривожланиши нафақат иқтисодий ўсиш ва аҳоли

турмуш даражасини оширишга, балки атроф-муҳитни сақлашга ҳам ҳисса қўшади. Ҳозирги шароитда агросаноат комплексни ривожлантириш иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларни ўз ичига олган комплекс ёндашувни талаб этади. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва инновацияларни жорий этиш аграр сектор ва бутун иқтисодиётнинг барқарор ва мувозанатли ривожланишининг асосий кафолати бўлади.

Аграр секторнинг ривожланиш даражаси мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва турмуш сифатига бевосита таъсир кўрсатади. Ўзбекистон аграр ва озиқ-овқат харитасида ўз ўрнига эга. Мевалар ва сабзавотларни етиштиришга тўғри ёндашув аҳоли ҳаётини таъминлаш тизимининг муҳим қисмига, бандликни яратиш шароитларига ва давлатимиз иқтисодий ҳамда ижтимоий сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Қишлоқ хўжалигида рақобатбардошликни таъминлаш учун аграр ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, селекцияни такомиллаштириш ва янги турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини жорий қилиш каби усуллар муҳим аҳамиятга эга. Замонавий агротехнологияларни жорий қилиш эса маҳсулдорликни ошириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ.

2021–2030 йилларга мўлжалланган Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясида қўйилган мақсадий кўрсаткичлар таҳлил қилинганда, республика қишлоқ хўжалигида қўшилган қийматнинг йиллик ўсиши 2021 йилда 3%, 2025 ва 2030 йилларда эса 5%га етказиш режалаштирилгани маълум бўлади. Бу кўрсаткичлар аграр секторнинг ўсиш суръатини глобал тенденциялар билан солиштириш имконини беради: дунё қишлоқ хўжалигида ўсиш асосан аҳолининг кўпайиши ва даромад даражасининг ошиши билан рағбатлантирилмоқда.

Шу билан бирга, стратегик мақсадларни амалга ошириш учун инновацион технологияларни жорий қилиш, маҳаллий селекция ва агротехникани такомиллаштириш зарурлиги таъкидланади. Бу эса иқтисодий ўсиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асосий омил ҳисобланади.

1-жадвал

Ўзбекистон аграр секторининг ривожланиш кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси

млрд.сум таққослама нархдлара

Кўрсаткичлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.
Тармоқнинг умумий қўшилган қиймати	151250.9	169876.32	189103	208329.68	227556.36
Қ/х маҳсулотларини ишлаб чиқариш	249754.5	284065.41	317643.8	351222.19	384800.58
Шу жумладан:					
Ўсимчилик	123556	139615.37	154469.22	169323.07	184176.92
Чорвачилик	126198.5	144451.66	163176.2	181900.74	200625.28
Аҳоли жон бошига қ/х маҳсулотларини и/ч, минг сум	7227	8173.9	9068.64	9963.38	10858.12

Тармоқда банд бўлганлар сони, минг киши	3560	3501.93	3471.92	3441.91	3411.9
Қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган майдон минг гектар	3373.1	3202.25	3119.02	3035.79	2952.56

Манба: Ўзбекистон Республикаси миллий статистика қўмитаси

1 жадвал маълумотларига кўра, айтиш мумкинки, Ўзбекистон аграр секторининг ўсиши давом этмоқда, ўсиш суръати ўртача тахминан йиллик 3-4 %ни ташкил этти. Аграр секторнинг ЯИМдаги улуши секин пасаяётганини кўриш мумкин, бу иқтисодийнинг бошқа соҳалари тезроқ ўсишини кўрсатади. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари (дон, сабзавот, мева, ҳайвончилик) ишлаб чиқариш ҳажми ва аҳолига жон бошига тақсимланишни ўсиш тенденциясига эга, бу озиқ-овқат хавфсизлиги учун муҳим.

Келгуси ўсишни тезлаштириш учун агротехнологияларни модернизация қилиш, селекцияни такомиллаштириш, агропромышлен занжирларини кенгайтириш ва меҳнат самарадорлигини ошириш зарур.

Инновацион фаолият натижалари тўғридан-тўғри ҳисоб-китоб билан камроқ баҳоланади, чунки улар сезиларли кечикиш билан ҳам намоён бўлади ва бу жуда кўп ташқи таъсирга эга ва "такрорлаш" жараёни узоқ давом этади. Шу сабабли, маълум бир иқтисодий агент (корхона) томонидан олинган патентлар сони инновация самарадорлигининг асосий кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Шундай қилиб, илмий ва илмий-инновацион фаолиятнинг амалдаги ҳажмининг тўғридан-тўғри ўлчанадиган кўрсаткичи ҳозиргача мавжуд эмас. Шунинг учун уни молиялаштириш учун асосий иқтисодий субъектлар: давлат, хусусий корхона ва компаниялар ҳамда кичик миқдорда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган харажатлар миқдори ўлчанади.

Илмий-инновацион фаолиятда тўғридан-тўғри ўлчанадиган иккинчи унсур - бу тадқиқотчилар, техниклар, ёрдамчи тадқиқот ва ишланмалар билан шуғулланадиган бошқа ходимлар сони орқали ҳисобланадиган меҳнат харажатлари. Шунинг ҳисобга олиш керакки, илмий-инновацион фаолият натижалари олимларнинг нашр этилган ишларида акс этади. Ушбу нашрларнинг илм-фан ривожига бевосита таъсирини баҳолаш деярли мумкин эмас, чунки ҳар бир янги мақола, диссертациянинг фанга қўшган ҳиссаси сифат жиҳатидан фарқ қилади. Бундан ташқари, илмий фаолиятнинг иқтисодий натижалари тадқиқотларнинг бутун жараёни тугагандан кейингина пайдо бўлиши мумкин (фундаментал, амалий ишлар ва ишланмалардан тортиб то уларни тижоратлаштириш жараёни тугагунига қадар) ва шу билан бирга уларнинг ҳиссасини алоҳида ажратиш бўлмайди. Шу сабабли, фундаментал ишларнинг натижаларини баҳолаш учун олимларнинг нашрлик фаолияти интенсификациясини тавсифловчи билвосита кўрсаткичлардан фойдаланилади: олим қанча мақолалар ва монографиялар нашр этса, у шунчалик самарали бўлади деб ҳисобланади.

Дунё миқёсида мамлакатлар рақобатбардошлигини ва унинг инновацион ривожланишга мойиллигини ўрганаётганда ҳар бир мамлакат ўз инновацион фаолият рейтингини тузиш қабул қилинган ва Глобал Йиғма Инновацион Индекс (ГЙИИ)ни аниқлаш қабул қилинган. Шулардан келиб чиқиб, биз Ўзбекистон аграр сектори учун

Йиғма инновацион фаоллик индекси кўрсаткичларини ишлаб чиқдик. Улар ўз ичига қуйидаги индексларни олди (1-расм).



1-расм. Аграр секторда инновацион фаолият рейтинги кўрсаткичлари

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридаги инновацион омилларга мувофиқ республикада ҳудудлар инновацион ривожланишга мойиллигига қараб бўлинади. Шунинг таъкидлаш керакки, ҳудудлар ўзаро инновацияларга мойиллик даражаси билан ажралиб туради, шу муносабат билан уларни инновацион фаол ва инновацион заиф ҳудудларга ажратиш мумкин.

Республика аграр секторининг инновацияларга мойиллиги қуйидаги кўрсаткичларни: илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига ички жорий харажатларни; тадқиқотлар ва ишланмаларга сарфланадиган ички харажатлар, аграр соҳа ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмини (ЯҲМга нисбатан %); аграр соҳа ва мулк шакллари бўйича тадқиқот ва ривожлантириш учун асосий воситаларни; инновацион фаол корхоналар сони (улуши) ва уларнинг ўзгаришини; унинг умумий ҳажмидаги

инновацион маҳсулотларнинг улушини; инновация даражаси ва фаолият турлари бўйича инновацион маҳсулотлар ҳажмини; қишлоқ хўжалик мулки объектларини рўйхатдан ўтказиш учун аризалар, яратилган илғор технологиялар ҳамда ишлатилган илғор технологиялар сонларини аниқлашга имкон беради. Юқоридаги кўрсаткичлар учта коэффициент ёрдамида ҳудуднинг инновацион фаолиятини тавсифлайди: экстенсив, интенсив ва интеграл.

Ҳудуднинг инновацион фаолиятининг экстенсив коэффициенти қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{э} = \frac{T_{ин} * 100\%}{T_{ж}}, \quad (1.1)$$

бу ерда $K_{э}$ - тадқиқот ва тажриба-конструкторлик корхоналарини уларнинг умумий сонидаги улуши; $T_{ин}$ - тадқиқот ва тажриба-конструкторлик корхоналарининг сони; $T_{ж}$ - корхона ва ташкилотларнинг умумий сони.

Бизнеснинг инновацион фаоллигининг интенсивлик кўрсаткичи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{ин} = \frac{Q_{иннов} * 100\%}{Q_{ж}}, \quad (1.2)$$

бу ерда, $K_{ин}$ - унинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги инновацион маҳсулотларнинг улуши; $Q_{иннов}$ - инновацион маҳсулотлар ҳажми; $Q_{ж}$ - тармоқда умумий ишлаб чиқариш ҳажми.

Умумлаштирувчи индикатор сифатида интенсив ва экстенсив коэффициентлар маҳсулоти билан ҳисобланадиган бизнеснинг инновацион фаоллигининг ажралмас коэффициенти қўлланилади:

$$K_{интег} = \sqrt{K_{экс} * K_{инт}}, \quad (1.3)$$

Республика ёки ҳудуднинг бошқаларга нисбатан инновацион салоҳиятининг хусусиятларини доимий тарзда акс эттириш учун юқоридаги кўрсаткичлар тўпламидан вакиллик намунаси бўлган 12 та кўрсаткичдан иборат бутун тизимнинг индекслари қўлланилади.

Шуларни ҳисобга олганда, мамлакат, ҳудуд, корхоналарнинг инновацион тизими самарадорлигини баҳолашда турли усуллар, турли хил кўрсаткичлардан фойдаланилди. Улар орасида, айниқса, инновацион ривожланиш даражаси ва шароитлар тўғрисида умумий натижаларни шакллантирадиган асосий кўрсаткичлар ва индикаторларни ажратиб кўрсатиш зарур:

- иқтисодий ўсишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари (аҳоли жон бошига аграр соҳа маҳсулоти, қишлоқ аҳолисининг умр кўриш давомийлиги ва бошқалар) ва рақобатдошлик даражаси;

- аграр секторнинг қонунчилик базаси ва бозор институтлари ривожланишининг сифат кўрсаткичлари (инновацион соҳадаги аграр корхоналар сони ва бошқалар);

- қишлоқ хўжалигида эришилган илмий-техник ривожланиш даражасининг кўрсаткичлари (уларнинг умумий сонидаги инновацион фаол корхоналарнинг улуши; аграр соҳа тармоқларининг инновацион фаоллиги даражаси ва бошқалар);

- аграр соҳага янгиликларни тарқатиш ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари (бир минг кишига патент талабномалари сони; аграр ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидаги инновацион маҳсулотларнинг улуши, %; аграр соҳа олимларининг нашрлик фаолияти интенсивлиги ва бошқалар);

- тадқиқот ва тажриба-конструкторлик харажатлари, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотига нисбатан %да (инновациялар учун давлат томонидан маблағ оладиган корхоналар улуши ва бошқалар);

- меҳнат ресурсларининг таълим даражаси кўрсаткичлари: илмий даражага эга тадқиқотчиларнинг ўртача ёши, йиллар (узлуксиз таълимда иштирок этиш ва бошқалар).

Шу билан бир вақтда, давлат статистикаси маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигининг тармоқ статистикасида инновацион фаолият ва унга тегишли кўрсаткичлар тўғридан-тўғри кузатилмайди. Хулоса қилганда, ҳудудлардаги статистик ҳисоб иқтисодиёт аграр секторининг инновацион ривожланишининг ҳақиқий ҳолатини рақамли тўлиқ акс эттирмайди.

Инновацион ривожланиш вазирлигининг расмий ҳисоботларига кўра, аграр соҳага инновацияларни жорий этиш ва “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологияларини амалиётга тадтбиқ этиш бўйича қатор ишларни кўрсатиш мумкин:

- қишлоқ хўжалиги соҳасига оид илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, “FOSSTIM, RIZOKOM” биоўғит ишланмасини “Green Bio Tech” ҚҚ инновацион компания тузиш орқали тижоратлаштирилиб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ҳамда 4,403,4 млрд. сўмлик 27 824,68 минг литр “FOSSTIM, RIZOKOM” ва “Серхосил” биоўғити ишлаб чиқарилиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб берилди;

- “Биосолвент” препарати лойиҳасини амалга ошириш мақсадида “Innovatsion Bio Texnologiyalar” МЧЖ ташкил қилиниб, ишлаб чиқариш тўлақонли йўлга қўйилди ва 430,0 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди;

- Сирдарё вилояти Боёвут туманида 120 гектар майдонда Биоорганик кимё институтининг “ДАГ-1” препарати синовдан ўтказилиб, ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди ҳамда 100 млн. сўм биоўғит сотилди;

- Қорақалпоғистон табиий фанлар илмий-тадқиқот институти “Агрорудалар асосида ўғитларнинг янги турлари” ишланмаси натижаларига асосан “ASR YAXSHINIYAT” МЧЖга йилига 1 млрд. сўмлик ва “OYXON SADULLAYEVA” фермер хўжалигига 20 млн. сўмлик маҳсулот етказиб бермоқда;

- «Ақлли қишлоқ хўжалиги»ни амалиётга жорий қилиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияга киритилди ва белгиланган вазифалар доирасида ишлар олиб борилмоқда. Мазкур технологияларни “Бухоро” ва “Бек” агрокластерларида кенг жорий қилинмоқда;

- Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида Ўзбекистон қуёнчилик хўжаликлари ассоциацияси ва “Кеш Агро Қуён” МЧЖ билан биргаликда қиймати 39,0 млн. евро бўлган “Қуёнчилик кластери ташкил қилиш” лойиҳаси амалга оширилмоқда. АТ “Микрокредитбанк” томонидан ажратилган 700,0 млн. сўм кредит маблағлари эвазига Европадан зотли қуёнлар келтирилди ва махсус катаклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Қуёнлар кўпайтирилиб, касаначилик асосида иш ўринлари ташкил этиш учун Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи ва Китоб туманлари аҳолисига тарқатиш ишлари олиб борилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кейинги беш йилда аграр сектор тармоқларида 30 га яқин инновацион лойиҳалар амалиётга жорий қилинган. Юқорида айтиб ўтилганларни умумлаштириб хулоса қилишимиз мумкинки, аграр тармоқда инновацион ривожланишнинг барча кўрсаткичлари шартли равишда иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин: инновацияларнинг ўзини яратиш ва ривожлантириш учун кетадиган харажатлар кўрсаткичлари ва инновацияларни яратиш ҳамда натижаларни олиш кўрсаткичлари. Шу билан бирга, тадқиқот натижалари ва аграр секторда инновацияларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, юқоридаги кўрсаткичлар рўйхатини кенгайтириш керак.

Шу билан бир вақтда иқтисодиётнинг аграр соҳасидаги инновацион жараёнларни ривожлантириш бўйича амалий тажрибалар уларнинг асосий босқичларини ажратиш кўрсатишга имкон беради: инновацияларни яратиш, уларни товар ишлаб чиқарувчиларига тарқатиш ва ривожлантириш. Шу билан бирга, инновация натижаларини тарқатишни шартли равишда икки босқичга бўлиш мумкин: инновацион янгиликни биринчи тарқатиш (бу ҳақида маълумотларни ишлаб чиқарувчига етказиш) ва инновацияни янада кенг тарқатиш (янгиликларнинг тарқалиши).

Инновацион жараённинг энг муҳим ва узоқ давом этадиган босқичи - бу инновацион янгиликни яратишдир. Ушбу босқичда муаммони нафақат мамлакат шароитида, балки чет элларда, айниқса, энг ривожланган мамлакатларда ўрганишни чуқур таҳлил қилишда ўз ифодасини топган ғоя (келажакдаги инновация концепцияси) туғилади.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакат аграр секторида рақобатбардошликни таъминлаш инновацион фаолликни кучайтириш билан чамбарчас боғлиқдир. Инновацияларни жорий этишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини қўллаш, илмий муассасаларнинг малакали кадрлар етиштиришини фаоллаштириш ҳамда хусусий сектор самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда, рақобатбардошликни баҳолашда интеграл усулни жорий этиш аграр сиёсат самарадорлигини ошириш имконини беришини қайд этмоқ зарурдир.

Илмий-амалий ва фундаментал ишланмалар ҳамда тадқиқотларни олиб бориш босқичида инновацион маҳсулотларни яратиш ва ўйлаб топилган янги ғояни амалга ошириш жараёнида муҳим ва зарур бўлган ҳолда, салбий натижаларга эришиш хавфи ҳам мавжуд. Тадқиқот уни амалга ошириш режаси тўлиқ бажарилганда яқунланган деб ҳисобланади ва натижалар аниқ илмий ишланма шаклида тақдим этилади. Қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари учун ушбу босқич синовнинг давлат навига эга, янги ускуналар машина синов станцияларида синовдан ўтказилади. Янги технологиялар ёки индивидуал технологик усуллар махсус технологик марказларда ёки тажриба ишлаб чиқариш хўжаликларида синовдан ўтказилади. Ҳозирги кунда бу давлат синов далаларида амалда бажарилмоқда. Ушбу ютуқлар патентлар ва лицензиялар олиш орқали тугалланган ишланмаларни рўйхатдан ўтказиш босқичида аниқ инновацияларга трансформация қилинган. Демак, интеллектуал мулк объекти сифатида илмий ишланмаларни оммавий равишда ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, уларни инновацияларга айланганлигини кўрсатади. Инновацияларни яратишдан фарqli ўлароқ, инновацияларни тарқатиш босқичи қишлоқ хўжалиги

ишлаб чиқаришига янгиликларнинг кириб бориши учун турли йўналишларни ва аниқ каналларни қамраб олади. Улар орасида қуйидагилар муҳим ўрин тутди: аграр секторни бошқариш органларининг фаолияти, раҳбар кадрларни, оммавий касблар мутахассислари ва ишчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ахборот-тарғибот фаолиятини ривожлантириш. Аммо ҳозирги шароитда ушбу босқичга берилган эътибор етарли эмас. Аграр соҳада инновациялардан қўшимча олинган даромад инновацияларни интенсив яратиш ва ўзлаштириш харажатларидан охиқ бўлиши керак. Шу муносабат билан, тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришда илмий-техника тараққиётдан олинган йиғма умумий қўшимча самара аграр секторнинг илмий-техник соҳасини молиялаштириш учун етарли бўлмаслигини ҳисобга олиш керак. Шунинг учун республикада илмий-техник тараққиётни молиялаштириш асосан давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади ва бу қишлоқда илм-фанни ривожлантириш даражасини юқори бўлишига хизмат қилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясини 2020–2030 йилларга тасдиқлаш тўғрисида» 23.10.2019 йил, № УП-5853.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.12.2022 йилдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-436-сон қарори
4. Шумпетер Й.А. История экономического анализа. М. Высшая школа экономики. 2001г.
5. Петранёва Г.А. Экономика сельского хозяйства. Москва. Альфа-М, Инфра-М. 2012г.